

2025-yil  
15-aprel  
seshanba  
**No47**  
(5111)

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



Mehnat muhofazasining  
yangi bosqichi:

ish joyida sun'iy intellekt  
va raqamlashtirishning roli

Мамлакатимизда 28 апрель –  
Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни муносабати билан  
қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Унда фаол иштирок этайлик!

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАНЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА?

Миллий статистика қўмитаси  
маълумотларига кўра, 2025  
йил 1 апрель ҳолатига

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган  
корхона ва ташкилотлар сони

Шундан  
**372,9** мингтаси ёки  
**84,3** фоизи  
кичик корхона ва микрофирмалар  
ҳиссасига тўғри келади.

**442,4**  
МИНГТАНИ  
ТАШКИЛ  
ЭТГАН

Худудлар бўйича энг кўп фаолият кўрсатаётган  
корхона ва ташкилотлар



Тошкент шаҳрида – **22,6** фоиз,  
Тошкент – **9,6** фоиз,  
Самарқанд – **8,8** фоиз,  
Фарғона – **8,1** фоиз ва  
Қашқадарё вилоятида – **6,5** фоиз  
фаолият кўрсатмоқда.

2025 йил 1 апрель ҳолатига фао-  
лият юритаётган корхона ва ташки-  
лотларнинг иқтисодий фаолият тур-  
лари бўйича энг кўп қисми «савдо»  
тармоғида бўлиб, унинг жами сони-  
даги улуши

**32,6**  
ФОИЗНИ  
ТАШКИЛ  
ЭТДИ

**1513**  
ТАГА ОШГАН

Хорижий инвестициялар ишти-  
рокида фаолият кўрсатаётган  
корхоналарнинг сони, 2024 йил-  
нинг мос давrigа нисбатан

Бу асосан, савдо соҳасидаги корхоналар сонининг **5 056** тадан **5 686**  
тага, (ўсиш **630** тага), ахборот ва алоқа соҳасида **917** тадан **1 131**  
тага (ўсиш **214** тага) ва қурилиш соҳасида **956** тадан **1146** тага (ўсиш  
**190** тага) кўпайиши билан боғлиқ.



РЕСПУБЛИКАДАГИ ЖАМИ

**37 037 ТА**

БОШЛАНГИЧ КАСАБА УЮШМА  
ТАШКИЛОТИДАН, 14 АПРЕЛЬ КУНГИ  
МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА,

**34 808 тасида**  
(94 %)

МУҚОБИЛИК АСОСИДА  
ХИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИГИЛИШЛАРИ  
(КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ) ЎТКАЗИЛДИ.



Ўзбекистон касаба  
уюшмалари  
Федерациясида  
куну тун фаолият  
кўрсатадиган

**12 11**

рақамли «Ишонч телефони»,  
яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг  
турли ҳудудларида, олис ва чекка  
қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар  
ўз муаммолари бўйича исталган вақтда  
муурожаат қилишлари мумкин.

## ЯНГИ ЕТАКЧИГА ОМАД

Яхшиликка муносиб жавоб бериш, атрофдагиларга эътиборсиз бўлмаслик  
аслида ҳар биримизнинг бурчимиз. Аммо шундай исонлар борки, уларнинг  
лавозим вазифалари ўзидан ҳам кўпроқ ҳамкасблари, атрофдагиларнинг  
оғирини енгил қилиш, ижтимоий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, самарали  
ишлаши учун қулай шароит яратиш, бир сўз билан айтганда, меҳнатидан,  
ҳаётидан рози бўлишга қаратилади. Зеро, бугун давлат раҳбари томонидан  
бўлаётган талаб ҳам шундай: халқни рози қилиш, унинг орзуларини эртага  
эмас, бугун ушатириш!

«Иссиқлик электр станциялари»  
АЖда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов кон-  
ференциясини кузатар эканмиз, иш бе-  
рувчи ва «ИЭС» АЖ Бирлашган касаба  
уюшмаси қўмитаси масъулларининг де-  
легатлар олдидаги чиқишлари уларнинг  
барча сайё-ҳаракатлари ишчи-ҳодимлар

учун қулай меҳнат шароитлари яратиш,  
муносиб меҳнат муҳофазасини таъмин-  
лаш, рағбат чораларини ўз ўрнида қў-  
лаб, бу даргоҳда меҳнат қилаётганидан  
мамнунлигига эришиш эканини англа-  
дик.

Конференция аввалида «ИЭС» АЖ  
бошқарув раиси Баҳодир Жўраев ва  
«ИЭС» АЖ Бирлашган касаба уюшмаси  
қўмитаси раиси Анвар Рустамов ҳи-  
сobot даврида қилинган ишлар, таф-  
тиш комиссияси раиси Шоҳрух Муҳид-  
динов ҳисобот юзасидан олиб борган  
ўрганишлар ҳақида сўз юритишди. Таъ-  
кидланишича, «ИЭС» АЖда 13 минг 416  
нафар ходим бўлиб, аъзолик бадалидан  
ташқари, иш берувчи ҳам касаба уюш-  
маси ҳисобига ҳодимлар ойлик маоши-  
нинг 1 фоизи миқдорида қўшимча маб-  
лағ ўтказишди. Бу эса ижтимоий ҳимоя  
йўналишида самарали ишлар қилини-  
шига туртки бўлади.

Жамоа шартномасига асосан ноқу-  
лай меҳнат шароитида ишлаётган хо-  
димларга 3 кундан 12 кунгача, икки ёки  
ундан ортиқ 12 ёшгача бўлган фар-  
занди бор аёлларга қўшимча ҳақ тўла-  
надиган меҳнат таътили берилиши йўлга  
қўйилди. Умумий стаж 5, 10 ва 20 йил

бўлган ҳодимларга ҳам белгиланган қо-  
нунчиликка кўра дам олиш кунлари бе-  
рилди.

Узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб  
келаётган ҳодимларнинг ойликларига  
қўшимча мукофотлар ва рағбатланти-  
ришлар берилган бўлса, иш ҳажмининг  
ортиши туфайли дам олиш кунлари яна  
қўшимча ишга жалб қилинганларга ҳам  
маблаглар тўлаб берилди. Ҳисобот дав-  
рида ўртача иш ҳақи 9 млн. 373 минг  
сўмни ташкил этди.

Қонунчиликдаги иш берувчининг  
фуқаролик ҳолатини мажбурий суғур-  
талаш тўғрисидаги талабга асосан ҳар  
йили ҳодимлар суғурталанади. Жум-  
ладан, 2024 йилда ҳам 5133 нафар хо-  
димнинг соғлиғи 1 миллиард 99 млн.  
сўмга суғурталанди. Меҳнат кодексининг  
360-моддасига биноан вақти-вақти  
билан тиббий кўриқдан ўтказиладиган  
ҳодимлар рўйхати тузилган ва улар ўз  
вақтида иш берувчи ҳисобидан кўриқ-  
дан ўтказиб келинмоқда. Жумладан,  
ўтган йили 3111 нафар ҳодимнинг тиб-  
бий кўриғи учун 664 млн. сўм, махсус  
кийим-бош, сут-қатик маҳсулотлари ва  
ҳимоя воситалари учун 368 млн. сўм  
сарфланди.

Албатта, бу каби ишларга яна қўллаб  
мисол келтириш мумкин. Ички туризм  
йўналишидаги саёҳатлар, ҳодимлар  
учун байрам тадбирлари, театр ва кон-  
церт дастурларига чипталар, санаторий-  
лар ҳамда дам олиш масканларига йўл-  
ланмалар, кексалик гаштини сураётган  
нафақадаги ҳодимлар учун озиқ-овқат  
маҳсулотлари ва совға-саломлар шулар  
жумласидандир.

Шунинг учун ҳам конференцияда

барча делегатлар амалдаги касаба уюш-  
маси раиси Анвар Рустамов фаолиятини  
қониқарли деб баҳолашди. Жум-  
ладан, Таҳиатощ, Сирдарё ва Навоий  
«ИЭС» касаба уюшмалари қўмиталари  
раислари сўзга чиқиб, А. Рустамовнинг  
ўтган йиллардаги фаолияти даврида  
у билан ҳамкорликда ишлаб келиша-  
ётганини ва бу яхши самара бераётган  
ни таъкидлашди. Ҳодимларга касаба  
уюшмаси ҳисобидан моддий ёрдам бе-  
риш олдинлари энг кам иш ҳақининг бир  
баравари миқдорида бўлгани, ҳисобот  
даврида эса жамоа шартномасига асо-  
сан 3 бараварга оширилгани, ишчи-хо-  
димларнинг оилавий бўлиб саёҳатларга  
чиқишига имкониятлар яратилаётганини  
айтиб ўтишди.

Делегатлар навбатдаги давр учун  
Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси  
раислигига А. Рустамовнинг ҳам номзо-  
дини илгари суришди. Аммо у ёшларга  
кўпроқ имкон бериш лозимлигини бил-  
дириб, сайланажак ҳамкасбига доим ёр-  
дамга тайёрлигини таъкидлади.

Шундан сўнг сайлов бошланди. Яши-  
рин овоз бериш жараёнида касаба уюш-  
маси раислигига делегатлар томонидан  
танланган икки на-  
фар номзод ора-  
сидан Нурпес Бер-  
далиев, раис ўрин-  
босари лавозимига  
эса 4 нафар номзод  
орасидан амалдаги  
касабақўм раиси  
ўринбосари Темур-  
бек Бекмирзаев энг  
кўп овоз тўплаб,  
қайта сайланишди.



Зебо  
НАМОЗОВА  
«ISHONCH»



Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган сурат

www.ishonch.uz

www://

ishonch1991@yandex.uz




facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz\_official





Йил сайин одамларнинг турмуш шароити, дунёқарashi, ҳуқуқий маданияти ўзгариб бормоқда. Бу мамлакатимизда инсон кадрини улуғлаш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасидир.

Гап ислохотлар ҳақида кетар экан, ҳар бир раҳбар ўз йўналишидан келиб чиқиб, сўз айтишга ҳақли. Демак, Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан олиб борилаётган ишларни аниқ мисоллар билан таҳлил этсак, бу адолатдан бўлади.

Сир эмас, бугун ахборот-коммуникация йўналишига иқтисодиётнинг локомотиви сифатида эътибор қаратилмоқда. Бу табиий, албатта. Чунки бирон-бир давлат бу тармоқни ривожлантирмасдан тараққиётга эришолмайди. Шунинг учун кейинги даврда ИТ-инфратузилмасини ривожлантириш, соҳада малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда хорижий компанияларни жалб этиш орқали инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш устувор вазифага айланди.

Соҳадаги вазифаларни бажаришда давлат раҳбарининг фармон ва қарорлари дастуриламал вазифасини ўтамоқда. 2017 йил 30 июнда қабул қилинган «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон шулар жумласидандир. Унда «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки ахборот технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун энг қулай шароитларни яратиш мақсадида бутун республика ҳудудига Технопарк резидентларини жойлаштирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида экстерриториаллик принципи асосида ташкил қилинади», деб белгилан қўйилди. Бунинг самарасини тасаввур қилишимиз учун айрим мисолларни келтирамиз.

**ИТ-ПАРК РЕЗИДЕНТЛАРИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛГАН ЭКСПОРТ ҲАЖМИ 2017 ЙИЛДАН 2023 ЙИЛГАЧА 573 БАРОБАРГА ОРТДИ. БУ КЎРСАТКИЧ, 2017 ЙИЛДА 600 МИНГ ДОЛЛАР БЎЛГАН БЎЛСА, 2024 ЙИЛ ЯКУНИДА 870 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГАЧА ЕТКАЗИЛДИ. БУГУНГИ КУНДА ЎЗБЕКИСТОН ДИНАМИК ИТ-ҲАБГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА ВА ИТ-ПАРК УШБУ ЖАРАЁНДА СТРАТЕГИК РОЛЬ ЎЙНАМОҚДА. ИТ-ПАРК МАМЛАКАТНИНГ ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ НУФУЗИНИ ОШИРИШ ВА ЮРТИМИЗДА БИЗНЕС ЮРИТИШ АФЗАЛЛИКЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.**

Ўтган йили республикада ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатилган ИТ-хизматлар ҳажми 20,4 триллион сўмини ташкил этди. Шунингдек, бугунги кунга қадар ИТ-Паркнинг стартап-лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган инкубация ва акселерация дастурларини муваффақиятли янқунлан 55 та истикболли стартап-лойиҳага 140 миллион доллардан ортиқ инвестиция жалб қилинган.

Ўрни келганда, Ўзбекистоннинг энг катта афзалликларидан бири – 21 миллион меҳнатга лаёқатли аҳолидан иборат инсон капиталига эга эканлигини, уларнинг салмоқли қисми инглиз тилида бемалол гаплаша олишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳозирги кунда ИТ-Парк 2600 дан ортиқ резидентга эга бўлиб, уларнинг 800 дан ортиғи экспорт қилувчи, 690 дан ортиғи хорижий капиталга эга компаниялардир.

**ХАЛҚ ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИГА ЭМАС, ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК!**  
Мазкур тамойил асосида Ҳукумат портали негизида Давлат органлари ахборот ресурсларининг ягона платформаси ишга туширилди ҳамда 40 дан ортиқ давлат органи ушбу платформага ўтказилди.

**ПОРТАЛДА 735 ТА ДАВЛАТ ХИЗМАТИДАН ИНСОН ОМИЛИСИЗ РАҚАМЛИ ТАРЗДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТИ ЯРАТИЛДИ ВА РАҚАМЛИ ХИЗМАТЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ 11 БАРОБАРГА ОШДИ. ПОРТАЛ ОРҚАЛИ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ 2025 ЙИЛ (АПРЕЛЬ ОЙИ ҲОЛАТИГА) – 11,5 МИЛЛИОНГА ЕТКАЗИЛДИ (ЙИЛЛАР КЕСИМИДА: 2017 ЙИЛ – 1,7 МИЛЛИОН, 2018 ЙИЛ – 2,4 МИЛЛИОН, 2019 ЙИЛ – 5,8 МИЛЛИОН, 2020 ЙИЛ – 9,8 МИЛЛИОН, 2021 ЙИЛ – 10,2 МИЛЛИОН, 2022 ЙИЛ – 12 МИЛЛИОН СЎМ, 2023 ЙИЛ – 21,5 МИЛЛИОН, 2024 ЙИЛ – 32 МИЛЛИОН СЎМ).**

Амалга оширилган ишлар натижасида Ўзбекистон БМТнинг Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингидида 193 та давлат орасида +6 поғонага кўтарилиб, 63-ўринни эгаллади ва энг катта поғонага юқорилаган мамлакатлар ТОП-10 талигидан жой олди.

Қисқача айтганда, бундай электрон хизматлар аҳолининг ҳам вақтини, ҳам нақдини тежамоқда. Оддий бир мисол сифатида мактаб битирувчилари олий таълим муассасаларига ҳужжат топширишини олайлик. Олдин ҳужжатларни тўплаб, Тошкент ёки ОТМ қайси ҳудудда жойлашган бўлса, ўша манзилга йўл олардик. Бунинг учун бир-икки кун вақтимиз кетарди. Шунга яраша харажат қилинарди... Ҳозир-чи? Уйдан чиқмасдан туриб, бу ишни амалга ошириш мумкин.

Давлатимиз раҳбари томонидан соҳа олдида Ўзбекистонда бизнес юритиш учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш вазифаси қўйилган. Бу устувор мақсадга рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва электрон ҳукумат тизимини такомиллаштиришга қаратилган давлат дастурлари, шунингдек, «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини сифатли амалга оширмасдан эришиб бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жадаллик билан иқтисодиётимизнинг асосий механизмларидан бирига айланиб бораётган ИТ соҳаси инсонлар ҳаётини енгиллаштиришга хизмат қилмоқда.

**ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ АСОС – ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР БЕРМОҚДА**

Таъкидлаш лозимки, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш кун тартибидидаги асосий масала ҳисобланади. Қарердаки ходимга муносиб меҳнат шароити яратилса, ўша жойда юқсалиш бўлишини бугун ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Модомики шундай экан, ваколатимиз доирасида қилинган ишларга тўхталсак.

Ўтган йили кенгашимиз 101 та ташкилотни қамраб олиб, 9 мингдан зиёд ходим касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Натижада бошланғич ташкилотлар сони 400 тага етди. Улар орасида Тошкент шаҳридаги рақамли таълимни ривожлантириш маркази, Рақамли трансформация маркази, «ИТ-билимини ривожлантириш маркази» МЧЖ, «Express mail universal» МЧЖ, Жиззахдаги «Global optikal communication Uzbekistan» МЧЖ корхоналари бор. Уларда нафақат ахборот технологиялари бўйича мутахассислар, балки етказиб бериш хизмати билан шуғулланувчилар ҳам жам бўлиб, тизимли, қулай, сифатли ва кенг қамровли хизмат кўрсатишни йўлга қўйишяпти.

Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексни тасдиқланиши билан тармоқ ташкилотларида хизматчилар фойдаланга жиддий ўзгаришлар рўй берди. Амалдаги 4 та тармоқ жамоа келишувларида ушбу масалалар акс эттирилишига эришилди. Жумладан, Меҳнат кодексининг 220-моддасига асосан, ишчиларга тармоқдан кўп йиллик меҳнат стажлари учун қўшимча таътил кунлари белгиланди. Шунингдек, алоқа кабель хўжалиги ҳамда антенна мачта қурилмаларига хизмат

■ ТАҲЛИЛ

кўрсатувчи ходимларнинг ойлик маошига 20 фоиз миқдорда устаматўлаб берилди.

Ҳар йили қабул қилинадиган давлат дастурлари тадбирларини амалга ошириш негизида жамоа шартномалари орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда соҳада кўп йиллик меҳнат стажига эга ходимлар ҳар томонлама моддий-маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Мисол учун, ўтган йили пенсия ёшидаги шахсларга нафақага чиқишдан олдин бир йўла моддий ёрдам бериш ва уларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш мақсадида 588 нафар ходимга иш беврувчи ҳисобидан 1,1 миллиард сўм ажратилди;

– юбилей саналари муносабати билан 791 нафар ходимга 949,2 миллион сўм, шундан 73 миллион сўми касаба уюшмаси бюджети ҳисобидан;

– байрам саналари муносабати билан ишламайдиган пенсионерлар (собиқ ходимлар)дан 2850 нафарига 1 миллиард сўм, шундан 210 миллион сўми касаба уюшмаси бюджети ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Ташкилот ва корхоналарда фуқаролик ҳуқуқий шартнома асосида фаолият юритаётган шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат шароитлари яратиш, хавфсизлигини таъминлаш, суғурталаш, соғлигини мустаҳкамлаш юзасидан қатор мажбуриятларни кўзда тутувчи ҳамда бажарилишини таъминловчи ишлар амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, ташкилотлар даромадларини инobatга олиб, тариф сеткасининг разрядлари бўйича коэффицентларни юқорироқ белгилаш масаласи ҳам ҳал этилди. Натижада «Ўзбектелеком» АК тизимидаги филиалларда 2,1, «Ўзбекистон почтаси» АЖ тизимидаги филиалларда 1,1, АТ «Алоқабанк»да 2-разряд бўйича 1,8 тариф коэффиценти қўлланиши, ўз навбатида, кафолатланган ойлик маошлари ошишига эришилди. Бундан ташқари, бугунги кунда «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва филиалларининг самарадорлигини ошириш мақсадида янгича ёндашув билан кўплаб ўзгаришлар қилинди. Эндиликда аҳолига кўрсатилаётган почта-алоқа хизмати қаторида етказиб бериш хизматлари ҳам йўлга қўйилди. Хусусан, глобал-почта фаолияти йўлга қўйилиши негизида «Ali express», «Zudmool», «Uzum market» каби йирик савдо компаниялар билан ҳамкорликда аҳолига тезкор ва сифатли етказиб бериш хизмати кўрсатилмоқда.

Умуман, ўз йўналишимизда меҳнаткашларнинг қонуний манфаатлари, ойлик маошлари билан боғлиқ масалалар, ноҳақ ишдан бўшатирилганларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ходимларнинг саломатлигини тиклаш, саёхатларга юбориш, моддий ёрдамлар кўрсатиш каби йўналишларда ҳам салмоқли натижаларни қўлга киритдик.

**НОРАСМИЙ БАНДЛИККА БАРҲАМ БЕРИШ ЙЎЛИДА**

Касаба уюшмалари аъзолари сонини ошириб бориш ва норасмийдан расмий меҳнат муносабатларига ўтиш масалалари доимий фаолиятимиз мезонига айланган. Бу борада Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан ҳамкорликдаги ишларимиз ҳам яхши самара бермоқда. Аввалига мазкур ташкилот томонидан уч кунлик ўқув семинари ташкил этилиб, касаба уюшмаси фаолиятига қизиқувчиларни, талабалар ва ташкилотларда ишлаётган 40 нафар тарғиботчини ўқитдик.

**ЎҚУВ-СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ НЕГИЗИДА БЕШТА ТАРМОҚ ЙЎНАЛИШИДА, ШУ ЖУМЛАДАН, АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ОММАВИЙ КОМУНИКАЦИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ НОРАСМИЙ БАНД БЎЛГАН ХОДИМЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА 2022-2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖА ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИКИЛИБ, ТЕГИШЛИ ҚАРОР БИЛАН ТАСДИҚЛАНДИ.**

Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари битирувчилари билан расмий бандлик ҳамда касаба уюшмаси аъзолиги афзалликлари юзасидан малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда давра суҳбатлари ўтказилди. Жамоа шартномаларида фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида фаолият юритаётган шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш юзасидан мажбуриятларни кўзда тутиш ҳамда бажарилишини таъминлаш каби ишлар амалга оширилди.

**АЪЗОЛАР – ФАХРИМИЗ**

Ҳар йили 7 май — Алоқачилар куни сифатида нишонлаб келинади. Айниқса, ўтган йили ушбу байрам ўзгача расмий тус олди. Чунки шу куни давлатимиз раҳбари юртимиз алоқа тизимида ишлаётган барча ишчи-ҳодимларга табрик йўллади. Бундан соҳада фаолият юритаётган меҳнаткашларнинг руҳияти кўтарилиб, улар ўз олдиларига янги-янги мақсадларни қўйишга туртки бўлди.

Ҳозир юртимизда рақамли технологияларни ривожлантиришдек катта ва кенг кўламли ишлар турибди. Қолаверса, тигиз бир даврда яшаяпмиз, бунда узоғимизни яқин қилаётган алоқачилар, ахборот технологиялари мутахассисларига эҳтиёж катта. Шундай экан, бор бўлинг, алоқачилар! Келажагимиз кўп жиҳатдан сизнинг ақлу салоҳиятингизга, билим ва маҳоратингизга боғлиқ.

**Асрор ИШОНХЎЖАЕВ,**  
*Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси*

**25**  
**СЎРАНГ,**  
**жавоб берамиз**

**РАҲБАР ҚАНДАЙ**  
**ҲУҚУҚЛАРГА ЭГА?**

Савол: Корхона, ташкилот раҳбарининг ҳуқуқи меҳнат қонунчилигида чегаралаб қўйилганми ёки иш берувчи ўз хоҳишига кўра қарорлар қабул қилиши мумкинми?

**Чарос**  
**БОЙМУРОДОВА**  
*Гулистон шахри*

**ЖАВОБ:** Меҳнат кодексига мувофиқ иш берувчи меҳнат муносабатларини амалга оширишда бир қатор ҳуқуқлардан фойдаланади. Хусусан, амалдаги меҳнат қонунчилигида назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш, рағбатлантириш, жамоа музокаралари ташаббуси билан чиқиш, жамоа шартномаларини тузиш, ходимлардан ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришини, иш берувчининг мол-мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлишини, ички меҳнат тартибига риоя этишини талаб қилиш, қонунда белгиланган тартибда интизоми жавобгарликка тортиш, улар томонидан иш берувчига бевосита етказилган тўғридан-тўғри ҳақиқий зарар учун моддий жавобгарликка тортиш, ички ҳужжатларни қабул қилиш, ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида иш берувчилар бирлашмаларини ташкил этиш ҳамда уларга аъзо бўлиш ҳуқуқларига эга ҳисобланади.

Иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат тўғрисидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Хуллас, меҳнат муносабатларини амалга оширишда иш берувчи фақат меҳнат қонунчилигида кўзда тутилган ҳамда меҳнат шартномаларида шартлашилган ҳуқуқлардангина фойдаланади.

**Ҳуқуқ ва халқаро**  
**ҳаёт бўлими**



**Ўқ-дори етказиб бериш режаси бажарияпти**

Европа Иттифоқи ташқи сиёсат бўйича раҳбари Кая Калласнинг маълум қилишича, ЕИГА аъзо давлатлар Украинага икки миллион дона ўқ-дори етказиб бериш режасининг учдан икки қисmini бажарган.

«Биз янада кўпроқ ҳаракат қилишимиз керак. Украинага ҳарбий ёрдамимиз ҳали ҳам зарур. Шу билан бирга, Россияга нисбатан босим энг юқори даражада сақланиб қолиши лозим», деган Каллас.

**Навбатдаги АҚШ ва Эрон музокаралари Римда ўтади**

АҚШ ва Эрон 19 апрель куни Рим шаҳрида музокараларнинг иккинчи босқичини ўтказишга келишиб олди. Бу ҳақда Axios портали музокараларга яқин манбаларга таяниб хабар берди.

Манбаларнинг маълум қилишича, бу сафарги учрашув тўғридан-тўғри бўлади – томонлар воситачиликдан воз кечмоқда. Бироқ Уммон дипломатлари кузатувчи сифатида қатнашади. Илк музокара 12 апрель куни Маскатда ўтказилган бўлиб, ушанда икки давлат вакиллари алоҳида хоналарда жойлашган эди. АҚШнинг махсус вакили Стив Уиткофф ва Эрон ташқи ишлар вазири Аббас Ароқчи 45 дақиқа давомида мулоқот олиб боришган. Ҳар икки томон бу мулоқотни «ижобий ва конструктив» дея баҳолаган. Музокараларда Эроннинг ядровий дастури бўйича вақтинча келишув имкониятлари, шунингдек, МАГАТЭ инспекторларига янада кўпроқ ўрганиш имконияти масалалари муҳокама қилинмоқда.



**130 та давлат АҚШ билан божлар бўйича музокара олиб бормоқда**

АҚШ Миллий иқтисодий кенгаши раҳбари Кевин Хассетнинг маълум қилишича, 130 та давлат АҚШ билан импорт божларини камайтириш бўйича музокаралар олиб бормоқда.

«Улар учун импорт божлари 10 фоизгача туширилди, – деди Хассет. – 90 кунга божларни ошириш тўхтатилди, бу имконият музокара олиб боришга тайёр 75 та давлат учун амал қилади».

Аввалроқ Президент Дональд Трамп 185 та давлат ва ҳудуддан келадиغان импорт товарларига божлар жорий этиш ҳақида эълон қилган ва бу орқали савдо музокараларида босимни кучайтирган эди.

Хассетнинг сўзларига кўра, Хитой билан музокаралар ҳозирча дастлабки босқичда қолмоқда.

**Украина 10 та Patriot ҳаво мудофаа тизимини сотиб олишга тайёр**

Украина Президенти Владимир Зеленский CBS News телеканалига берган интервьюсида Киев Россия ракеталари ҳужумларидан шаҳарларни ҳимоя қилиш мақсадида АҚШдан 10 та Patriot ПВО тизимини 15 миллиард долларга сотиб олишга тайёр эканини маълум қилди.

«Биз бу маблағни топамиз ва ҳаммасини тўлаймиз. Бизга фақат бу тизимлар керак», деган Зеленский. Унинг айтишича, Украина мазкур қуролларни Европа иттифоқи ҳамкорларидан оладиган молиявий ёрдам ҳисобидан сотиб олишни режалаштирган. Бироқ АҚШ ҳозирча ушбу харидга розилик бермаган.



# «ЎРНАТИЛГАН ТАРТИБДА ҲАЛ ЭТИЛАЁТГАН» МАСАЛА фуқаронинг сарсон-саргардон бўлишига олиб келяпти

Яқинда тахририятимизга таниқли журналист Муродхон Калонхонов келди.

Ижодкорни катта авлод яхши танийди. Вақтида танқидий мақола ва фельетонлари билан шуҳрат қозонган. Ижтимоий муаммоларнинг ижобий ёчим топишида, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишда, адолатсизликка йўлиққан одамлар ҳимояси йўлида сидқидилдан меҳнат қилган.

Фаолияти ҳукумат томонидан муносиб эътироф этилиб, Ўзбекистонда ҳазилли қўрсатган журналист.

Айни вақтда кексалик гаштини сураётган Муродхон Калонхонов билан амалга оширилаётган ислохотлар, соҳада рўй берган ўзгаришлар, фахрий журналистлар, ижод ва бошқа масалалар ҳусусида дилдан суҳбатлашдик. Янги китоби билан кутладик.

Шу асно устознинг нимадандир безовта эканини илгарида. Табиий, сабабини суриштирдик. У эса минг хижолат билан бошига тушган бир «ҳангома»ни сўзлаб берди.

Қизиқ, бир умр одамларнинг муаммоларини кўтариб, тегишли ташкилот ва идоралардан адолат талаб қилган инсоннинг ўзи бугун ноҳақликка учраб, чорасиз қолса... Ҳаёт турли синову ажойиботларга тўла, деб шунга айтсалар керак-да...

## КУЛИШНИ ҲАМ, ЙИГЛАШНИ ҲАМ БИЛМАЙ ЮРИБМИЗ...

Муродхон ака турмуш ўртоғи — Мукамбар Калонхонова номига расмийлаштирилган Шайхонтоҳур тумани, Гулобод мавзесидagi уйини 2011 йил «нотузаржой» мақомига ўтказди. Ўша вақтнинг ўзидa туман «Сувсоз» ва газ идораларига мурожаат қилиб, уйни иссиқ сув ва табиий газдан уздиради. Ҳар икки ташкилот хонадон эгасининг иштирокида далолатнома тузиб, ишни ҳужжатлаштириб қўяди. Аммо...

— Қаричилик. Аёлим тез-тез оғриб туради. Ўтган ҳафта дорихонадан зарур дориларни олиб, пластик картасини узатса, сотувчи «Картангизда пул йўқ экан», деб қайтариб берибди, — дейди Муродхон Калонхонов. — «Қизиқ, икки-уч кун олдин пенсиям тушган бўлса, қанақасига йўқ бўлиши мумкин ёки биров ўғирадимикиан», деган ўйда уйга

қайтиб келиб, бўлган воқеани менга айтиб берди. Орадан бир кун ўтиб, МИБдан кўнғироқ бўлди. Ушбу ташкилот ходимининг «Қўлимизда табиий газдан қарзингизни ундириш ҳақида суднинг қарори бор. Шу асосда пенсия пулингиз ушлаб қолинди. Аммо у етмади. Идорага келиб, қолган қисмини тўлаб кетинглар», деган гапидан лол қолдик. Чунки коммунал тўловларни доимо вақтида амалга оширганмиз. Бирон марта қарздор бўлмаганмиз. Суриштириб билсак, «Шайхонтоҳуртумангаз» Гулобод мавзесидagi нотузаржойимизга қарздорлик белгилаб, бизни судга берибди. Адолат посбонлари эса, ишни бизнинг иштирокимизсиз қўриб, қарзни ундириш бўйича қарор чиқаришибди. Тўғриси, бундай ғалати ҳолатга кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай юрибмиз...

## МАСАЛА «ЎРНАТИЛГАН ТАРТИБДА ҲАЛ ЭТИЛДИ»

Устоз журналист адолатни тиклаш мақсадида аёли номидан дастлаб «Худудгазпойтахт» газ таъминоти филиалига шикоят қилади. Мурожаатига «Шайхонтоҳуртумангаз» ГТВ маҳалла истеъмолчилари билан ишлаш бўлими томонидан Гулобод мавзеси, 2-уй, 65-хонадон истеъмолчиси М.Туропова (аёлининг фамилияси Туропова эмас, Калонхонова) номидаги 06096275-ҳисоб рақами қайд этилган «Биллинггаз» дастурида 01.01.2020 йилдан ҳисоб-китоб юритилган, 2020 йил 1 январь ҳолатига қадар дастурда 1.229.348 сўм табиий газ учун қарздорлик шаклланди» деган жавоб келади.

Эр-хотин жавобдан норози бўлиб, такоран «Худудгазпойтахт» директори номига шикоят ёзишади. Аммо уларга аввалги жавобнинг айнан ўзини жўнатишади. Ҳатто Мукамбар опанинг фамилиясини ҳам тўғрилаб қўйишмайди. Демак, улар муаммони бартараф қилиш учун эмас, шунчаки шикоят-аризани ёпиш учун уринишган.

Шундан сўн М.Калонхонов Шайхонтоҳур тумани прокуратурасига бош уриб боради. Аризасига тегишли ҳужжатлар («Худудгазпойтахт»нинг жавоб хати, уй-жой ширкати, маҳалладан маълумотнома ва бошқаларни) илова қилади. Эвазига қуйдаги мазмунда жавоб олади: «Мурожаатингизни ўрганиш давомида

аниқланишича, сизга тегишли хонадонда ўрнатилган электрон газ ҳисоблагичи «Биллинггаз» дастурида 06099275-ҳисоб рақам билан бириктирилган ва бугунги кунда жами 1.839.189 сўм дебитор қарздорлик мажбурияти аниқланган. Қарздорликни қайта кўриб чиқиш учун хонадон газ тармоғидан узилганлиги тўғрисидаги далолатнома билан «Шайхонтоҳуртумангаз» газ таъминоти бўлимига мурожаат қилишингиз тушунтирилади. Мазкур жавобдан норози бўлган тақдирингизда юқори турувчи прокуратура шикоят қилишингиз мумкинлиги тушунтирилади».

Кўриб турганингиздек, фуқаронинг бир масала юзасидан икки идорага йўллаган мурожаатига икки хил жавоб келади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади.

Хўш, туман прокуратураси 1.839.189 сўм қарздорликни қаердан олди? «Худудгазпойтахт» газ таъминоти филиали 1.229.348 сўм қарздорлик ҳисоблаган. Ажабланарлиси, уларнинг хонадон нотузаржойга айлантирилган кундан, яъни 2011 йилдан буён газдан узилган. Демак, бу хонадонда ҳисоблагич бўлиши мумкинми? Агар мурожаатчининг шикояти жойига чиқиб, ҳолислар иштирокида батафсил ўрганилганда эди, масала бу даражада чиғаллаш қетмасди. Мутасаддилар муаммони «ўрнатилган тартибда» ҳал қилиши оқибатида эса бир фуқаро ҳамон сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

## ҚОРНИМИЗГА ЭМАС, ҚАДРИМИЗГА ЙИГЛАЙМИЗ...

— 2011 йили мурожаатим асосида «Сувсоз» ва газ идораси ходимлари нотузар биномизни таъминотдан узиб кетгач, бизни ҳеч қим безовта қилмади. Аммо 2014 йилга келиб, газдан қарздорлик келди, — дея куюниб, сўзида давом этади Муродхон Калонхонов. — Ўша пайтнинг ўзида туман газ идорасига бориб, муаммони бартараф қилиб келдик. Ушанда масъуллар 2011 йилда тузилган далолатнома асосида



бизга нисбатан ёзилган қарздорликни бекор қилди. Бироқ орадан уч йилча вақт ўтиб, яна жаримага тортишди. Бу сафар ҳам худди аввалгидек қарздорликни сўндириб келдик. Минг афсуски, 2020 йил 1 январь ҳолати бўйича яна сохта қарздорлик ясаб, биздан яширинча судга оширибди. Судьялар ҳам ишни бизсиз кўриб, ҳал қилишибди.

Хуллас, ишлатилмаган газга қарздорлик ёзиб, МИБ орқали ундириб олишди. Одамларни рози қилиш, инсон қадрини улуғлаш сиёсати кетаётган бир паллада бизга нисбатан қилинаётган адолатсизликни ҳам кил олмаяпмиз.

Қорнимизга эмас, қадримизга йиғлаяпмиз. Масъуллардан талабимиз шуки, масалани жойига чиқиб, бизнинг иштирокимизда, ҳолис ўргансин. Бунга ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

2011 йилдан буён иссиқ сувдан бирон марта қарздорлик келмади. Улар ўша далолатнома бўйича бизни рўйхатдан ўчиргани, шубҳасиз. Лекин нима учун газ таъминотидагилар шундай қилишмаган? Уларнинг хатоси учун нега биз жабр чекишимиз керак? Ахир, уларнинг қўлида

ҳам ўша вақтда тузилган далолатнома бор-ку!

Устоз журналист ҳақ. Бугун халқни рози қилиш йўлида кенг қўллади ислохотлар олиб борилмақда. Аммо қуйдаги баъзи раҳбарларнинг муаммоларга масъулиятсизларча ёндашуви мазкур ишларга соя солиб, одамларнинг норози бўлишига сабаб бўлмоқда. Бунга жимгина, томошабин бўлиб қараб туриш адолатдан эмас.

Мутасаддилар мазкур масалани назоратга олиб, ижобий ҳал этади, деган умиддамиз.



Гулумжон МИРАХМЕДОВ  
«ISHONCH»

## ■ КОРРУПЦИЯ

Аввало, коррупцияга қарши курашни ҳаммамиз, айниқса, амалдорлар ўзидан бошлаши лозим. Яна ҳам аниқроқ айтганда, Президентимиз бот-бот такрорлаётганларидек, «Ҳалоллик вакцинаси» билан эмланишимиз жоиз. Шунда қутилган натижага эришилади ва бу йўлда ишлаб чиқилаётган дастурлар амалда ўз натижасини беради.

## С.ТУРДИЕВ, Қарши тумани ФВБ бошлиғи,

Б.ЖЎРАЕВ,  
Қарши тумани ФВБ профилактика ва назорат бўлими етакчиси



## Исроилнинг АҚШга талаби

Исроил АҚШ президенти Дональд Трамп маъмуриятига Эроннинг ядровий дастури бўйича музокаралар муваффақиятсиз аяқланидиган бўлса, ҳарбий сценарийни тайёрлаб қўйишни қатъий тавсия қилмоқда.

Axios нашрининг таъкидлашича, Исроил раҳбарияти Эрон билан ядро дастури бўйича келишув амалга ошишига ишонмаяпти. Ўз навбатида, Техрон АҚШнинг ядровий келишувдан худди 2018

йили бўлгандек, бир томонлама чиқиб кетишдан хавотирда.

Шу билан бирга, Эрон ташқи ишлар вазири Аббас Ароқчи музокараларнинг биринчи босқичи натижалари ҳақида Қатар,

Кувайт ва Миср расмийларини хабардор қилган. АҚШ махсус вакили Стив Уиткофф эса ушбу жараён ҳақида Форс кўрфазиди давлатлари ҳамда Исроил вакиллари маълумот берган.

Тошкент вилояти ўзгача табиати, жойлашуви, тарихи ва кўплаб диққатга сазовор жойлари билан ажралиб туради. Маҳаллий ва хорижий меҳмонларга икки йўналиш — зиёрат ва экотуризмда ўз эшикларини очади.

# САЁҲАТИНГИЗ ХАВФСИЗ ЎТСИН!

Хусусан, Паркент ва Зангиота туманлари зиёрат туризмда, Бўстонлик тумани ва Ангрен шаҳри эса зиёрат ҳамда экотуризмда етакчи ҳисобланади. Бўстонлик тумани Чорвоқнинг эркин туризм зонаси, Уғом-Чотқол миллий боғи ва Чорвоқ сув омбори билан машҳур бўлса, Паркент тумани ўзининг яшил қир-адирлари, анъаналари ва қадимий ёдгорликлари билан танилган. Зангибува эса ислоний тарихи билан маҳаллий ва хорижий меҳмонлар учун зиёрат масканларидан бири саналади.

Ҳозирги кунда Президентимиз ташаббуси билан туризмни янада ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, инвесторлар учун яратилган қулай шароитларни ҳисобга олган ҳолда, ўтган мавсумда Бўстонлик туманида талайгина йирик лойиҳалар амалга оширилди. Уларнинг энг яхшиси, шубҳасиз, «Амисрой» чанги қурурти ҳисобланади. Ҳозир бу туристик объектнинг иккинчи босқичи қурилмоқда ва у бутун дунё сайёҳлари эътиборида. Келажақда бу ерда халқаро спорт мусобақалари орқали туризм салоҳиятини янада ошириш режалаштирилмоқда.

Худудимиз йил сайин маҳаллий ва хорижий сайёҳларни ўзига кўпроқ жалб қилаётгани боис, меҳмонлар оқими ортиб бормоқда. Президентимизнинг «Транспорт ва туризм объектиларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан вилоят Ички ишлар бошқармасида хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ташкил этилди. Унинг таркибиди бир неча хорижий тилларни эркин биладиган ходимлар хизмат қилишмоқда.

Бошқарманинг асосий вазифалари, аввало, туризм объектиларида жамоат тартибини сақлаш, сайёҳларни потенциал таҳдидлар ва хавф-хатарлардан ҳалос этиш, жиноятчиликни эрта аниқлаш, фуқаролар ва хорижий сайёҳларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, соғлиқ ва мол-мулкларини турли жинойи ҳаракатлардан ҳимоя қилишдир. Шунингдек, бошқарма ходимлари хориждан келган расмий делегация вакиллари кутиб олиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва ташриф давомида ҳамроҳлик қилиш каби муҳим вазифаларни бажарадилар. Улар самарали иш юритишлари учун бошқарма замонавий ускуналар, ўзига хос белги ва логотипларга эга енгил хизмат автомашиналари, скутерлар, молеп ва патруль хизмати учун замонавий сегвейлар билан таъминланган. Ходимларнинг ўзига хос имижини ошириш мақсадида ташқи кўринишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизга келган ҳар бир меҳмон уйига илиқ хотиралар билан қайтиши учун Тошкент вилояти Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси сайёҳларга ҳамиша, ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёр.

Жавоҳир МИРЗАЕВ,  
Тошкент вилояти ИИББ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси катта инспектори

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши ҳамда ҳудуддаги барча тармок қасаба уюшмалари кенгашлари жамоалари Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи Феруза Қиличовага умр йўлдоши

Аҳад Умарович ХУДОЙБЕРДИЕВ  
вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари жамоаси тахририят ходими Муҳиддин Солиевга турмуш ўртоғи

Ойжамол СОЛИЕВА  
вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

Оламгир ОТАЁРОВ тайёрлади



## Франция ҳукумати 40 миллиард евро тежаши керак

Франция иқтисодиёт, молия, sanoat ва рақамли суверенитет вазири Эрик Ломбар BFMTV телеканалига берган интервьюсида ҳукумат 2026 йилгача давлат бюджети тақчиллигини 4,6 фоизгача камайтиришни мақсад қилганини маълум қилди. Бунинг учун эса камида 40 миллиард евро тежаш талаб этилади.

«Бугунги кунда Франциянинг давлат қарзи 3 триллион евродан ошган ва йил сайин қарз бериш муассасаларига тўланадиган миқдор ошиб бормоқда. Биз деярли бюджет соҳасида фавқуллодда ҳолатда турибмиз. Ўтган йили қарз бўйича 50 миллиард евродан ортиқ тўлаган бўлсак, жорий йилда бу миқдор 70 миллиард евродан ошади, бу эса мамлакат мудофаа бюджетидан ҳам кўп», деган вазир.

Ломбарнинг таъкидлашича, 2025 йилда бюджет тақчиллиги 5,4 фоиз даражасида қолиши кутилмоқда. Аммо 2026 йилда уни 4,6 фоизгача тушириш мақсад қилинган.

«Буни амалга ошириш учун 40 миллиард евролик қўшимча тежамкорлик чоралари талаб этилади», деган у ва ушбу маблағ асосан давлат харажатларини қисқартириш орқали тежалишини қўшимча қилган.

## ЕИ ва Буюк Британия мудофаа битимини тайёрламоқда

Европа Иттифоқи ва Буюк Британия 19 май куни бўлиб ўтадиган саммитда хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги янги ҳамкорлик пактини имзолашни режалаштирмоқда. Бу ҳақда Financial Times дипломатик манбалар ва мудофаа sanoati вакилларига таяниб хабар берди.

Ушбу ташаббус АҚШ президенти

Дональд Трампнинг НАТОдаги иштироки қисқартириш ҳақидаги таҳдидларига жавоб сифатида ишлаб чиқилди. Битим Британия компанияларига ЕИ қўшма мудофаа лойиҳаларига кириш имконини беради ҳамда геосиёсий ҳақкорлик шароитида трансатлантик ҳамкорликини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

■ ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИГА

# 77 ЁШ ОСТОНАСИДА ҲАМ КУРАШНИ ТАРК ЭТМАГАН СПОРТ ФАХРИЙСИ

Полвонларга бериладиган таърифу тавсифлар Ўринбоевга тўғри келмайди. Унда полвонларга хос на келбат, на салобат, на бўртиб чиққан мушаклар кўзга ташланади. Аммо чайир. Энг муҳими, юраги катта. Ўзига иккита келадиған полвонларнинг ҳам тиззасини бўкиб қўйган, кураги ерга тегмаган. Етмиш етти ёш остонасида туриб ҳам майдонни тарк этмасдан келяпти.

Тошкентда туғилиб, Хоразмда улғайган, Сирдарёда камолга етган Зайниддин Ўринбоев меҳнат фаолиятининг чорак асри касаба уюшмалари билан боғланади. 1990 йилда вилоят маданият ходимлари уни ўзларига сардор этиб сайлашганди. Кейинчалик 2000 йилдан 2015 йилгача агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси енгил саноат ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси, кимё саноати ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашларида фаолият юритди.

— Касаба уюшмалари тизимидаги фаолият ҳаётимда алоҳида ўрин тутади, — дейди жамоат ташкилоти фахрийси. — Тафаккуримни ўзгартираман, хайрли, савобли ишга бош қўшаман, деган инсон меҳнаткашлар қадрини улуғловчи бу ташкилот билан фаолиятини умри давомида бир қарра боғлаши керак.

Сирдарёдаги касаба уюшмалари ташкилотларида тобланган етакчи ўз йўл-йўриқлари, ўғитлари билан уни тўғри йўлга бошлаган устозларини кўп эслайди. Ўша даврда вилоят кенгашига раҳбарлик қилган Абдусаттор Мухаммедов, Қаршибой Эшназаров ва Моҳира Умаровадан кўп нарсаларни ўрганди. Тармоқ касаба уюшмалари сафини кенгайтириш борасида самарали иш олиб борди.

### ФАОЛИЯТДАГИ ЁРҚИН ИЗ

— Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашига бош мутахассис бўлиб ўтганимдан сўн спортни ривожлантиришга жиддий киришдим, — дейди у. — Бу истакни амалга оширишда ёшликдаги жамоадошим Михаил Алиев самбо бўйича фахрийлар орасида ўтказиладиган мусобақаларга ундади. Пойтахтдаги «Динамо» спорт мажмуасида спортнинг ушбу тури билан жиддий шуғулландим. Қаҳрамонимиз тез орада Тошкент

шаҳар ва республика миқёсида ўтказиладиган самбо кураши, ҳатто миллий кураш бўйича мусобақаларда ҳам иштирок этиб, совринли ўринларга эга бўлди. Ҳали ҳамон бардам-бақувват кўринадиган устозга ҳавас қилувчилар кўп эди. Унинг даъвати билан тармоқ касаба уюшмаси республика аппарати ходимлари, Тошкент шаҳар кенгаши мутахассислари ва унинг қўйи ташкилотлари ҳам курашга жалб этилди. Пировардида унинг ташаббуси билан касаба уюшмаси етакчилари ўртасида «Саломатлик» кураш гуруҳи тўзилди. Қисқа вақт ичида жамоа ижобий натижаларга эришди.

### ГРЕЦИЯГА ЙЎЛ

2007 йилнинг 1-3 май кунлари «Жар» спорт мажмуасида самбо бўйича фахрийлар ўртасида республика саралаш чемпионатида Зайниддин Ўринбоев яхши натижаларга эришди. Бу ютук унга фахрийлар ўртасида Грецияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида йўл очди.

— Республика кенгашида ўтган йиғилишда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси, устоз Баҳодир Тожиёв иштирок этиб, 14-жаҳон чемпионатидаги иштирокимга омад тилагани сира ёдимдан чиқмайди, — дея хотирлайди Зайниддин Ўринбоев. — Касаба уюшмалари спорти жонқуяри «Саломатлик» гуруҳи ишига юқори баҳо берди. Гуруҳ фаолиятини жонлантириш, сафимизга кўпроқ касаба уюшмаси ходимларини жалб қилиш ва республика миқёсида ўтказиладиган спорт турлари бўйича мусобақаларга, спартакиадаларга жиддий тайёргарлик кўриш борасида ўз фикр-мулоҳазалари, тавсияларини берди.

Грецияда ўтказилган жаҳон чемпионатида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)дан ташқари, АҚШ, Англия, Япония, Франция, Финляндия, Германия, Голландия, Мўғулис-

тон, Болгария, Руминия каби 36 мамлакатдан келган 400 нафардан ортиқ самбо кураши усталари қатнашишди. Биргина Зайниддин Ўринбоев илк босқичда Болгария, Россия, Қозоғистон самбочиларидан устун келди ва ярим финалга чиқди. Бу босқичда Япония вакили Ямада Шунжини мағлуб этди. Чемпионлик тақдирини ҳал бўладиган баҳсда эса яна бир россиялик халқаро тоифадаги спорт устаси Аслан Кузк билан рубарў келди. Мусобақа якунланишига 30 сония вақт қолиб вакилимиз мутлақ ғолиб бўлаётган бир пайтда рақибнинг қалтис ҳаракати унга жиддий жароҳат етказди. Шифокорлар мусобақани тўхтатишни маслаҳат беришди. Шунча меҳнат, ғалабани рақибга «тортик» қилишни истамаган Зайниддин ака тезда ўзини унглаб олди ва рақиб курагини ерга теккизиб, юрт байроғини баланд кўтарди. Жаҳон чемпиони сифатида шоҳуспанинг оқори поғонасидан жой олди.

Спорти ҳаётининг ажралмас қисмига айлантирган Зайниддин полвон нафақага чиқиб ҳам жисмоний чиниқишдан четлашмади. 2017 йил 64 ёшида яхши формадалигини ҳис этган ҳолда Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида «Турон» кураши бўйича фахрийлар ўртасидаги халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этди. Финалгача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтиб, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон вакиллариини енгди. Ҳал қилувчи баҳсда Қозоғистон вакили Ж.Кенесбоевни мағлуб этди. 2020 йили бир гуруҳ жаҳон ва халқаро турнирлар ғолибларини тақдирлаш маросимида «Ўзбекистон фахрий спортчиси» кўкрак нишонига муносиб кўрилди.

Соҳларига қиров кўнмаган, ҳамон навқирон ва чалдаст, 77 ёш остонасида ҳам курашни тарк этмаган касаба уюшмаси спорти фахрийсининг ҳавас қиладиган жихатлари кўп. Метиндек мустаҳкам ирода соҳибининг босиб ўтган ҳаёт йўли барчага ибратдир.



Шурилла ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»

■ УЙҒОҚ ЎЙ

Ҳозир «Газета ўқимайман», дейиш мақтанишининг бир турига айланган. Лекин бу гапни айтадиганлар билан бироз суҳбатлашсангиз, улар ижтимоий тармоқларда кўрган ёки ўқиганлари дунёнинг олис четида маймун болаларига-ю, яна аллам-балолар тўғрисидаги керакисиз, олди-қочди гаплар билан ми-янгизни ғовлатиб ташлайди.

## ГАЗЕТА ЎҚИМАСЛИКНИНГ «ҲОЙДА»СИ

Яқинда газета ўқишни ўзига эп кўрмайдиганларнинг уч-тўрт нафаридан ўзлари бевосита иштирок этган йиғилишлар ҳақида фикр сўрадим. Афсуски, ҳарчанд уринмай, улардан бирор-бир жўяли мулоҳаза чиқмади.

Ачинарлиси, турли ташкилотлар ўртасидаги саводсизларча ёзилган расмий ҳужжатларни кўриб, юрагинг ачишиб кетади. Бу газета ўқимаслигимиз «фойдаси-да», деган хулосага келамиз! Чунки мунтазам газета, китоб мутлаа қилган одамнинг кўзига имло хато-лар ошдан чиққан тошдек аққол кўринади.

Авваллари маҳалла почтачиси сумкаси газета-журналлар кўп-лигидан тошиб кетай дерди. Энди эрталаб газеталарга навбатда турган одамларни фақат кинолардагина кўрадиган бўлиб қолдик. Ҳар бир хонадонга янги, ҳали бўёқ ҳиди кетиб улгурмаган, «тандирдан янги узилган» кундалик уч-тўртта газета ташлаб кетилиши ҳам эртақ бўлиб қолаёзди.

Бугун турли матбуот тарқатувчи ташкилотлар нашрларни корхона-ташкилотларга даста-даста қилиб етказиб бериш билан ки-фояланяпти. Вақтида эгасига этиб бормаган газета-журналларнинг чанг босиб ётиши янада оғриқли масала.

Шундай экан, бир вақтлар штатлари қисқариб кетган почтачи хизматини тиклаш вақти келмадимикан, деган ўй ўтади ҳаёлимиздан. Тўғри, газета-журнал ва китоб моддий фойда келтирмаслиги мумкин. Лекин илм, маърифатга эътибор сулласиб бораётган бир пайтда маънавий бўшлиқ тобора катталашиб қолгандай бўляпти.

Баъзида туппа-тузук корхона, ташкилот бошлиқларининг кунда-лик нашрларни ва китоб ўқимасликлари туфайли бозордаги писта-фуруш савиясига тушиб қолишларига ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Жамиятимизда олиб борилаётган ислохотлар тақдирини ҳал қиладиган раҳбарларнинг маънавияти оқсатган бўлса, улар билан юксак маънавиятли жамият қуриб бўладими? «Ishonch» газетаси саҳифаларида турли мавзулардаги таҳлилий мақолаларни ўқиганимда, «шулар нега ҳаммаси этиб бормаслиги, юртдошларимизни фикрлашга ундаслиги керак?» деб ўйлаб қоламан.

Элимиз ардоғидаги шоир Муҳаммад Юсуф «Дўппи киймай қўйди одамлар, бир шоиру, бир олимдан бошқа», деганидай, яқин вақт ичида газета-ю китоб ўқиётган одамлар ҳам «Қизил китоб»га киритилмасайди, деб кўркаман.

Ачинарлиси, ўқимаслигимиз оқибатида фикрсизлиқ балосига мубтало бўляпмиз. Ҳолбуки, фикр дунёни ўзгарилади. Бизда бугун кечагидан, эртага бугундан яхшироқ яшашимиз учун тафакку-римиз ҳам шунга яраша юксалиши зарурлигини қачон англаймиз?

Таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев «Ҳамма йўллар маҳитга олиб боради. Фақат сиз маҳитга кетаётганингизда театрға ҳам ту-шиб ўтинг», дея хитоб қилганди. Бу ҳикматни бошқачароқ тарзда ифода-лаб, «Сўнгги русумдаги машина сотиб олганингизда ёки дабдабали хонадонингизда ўтирганингизда газета-журналларни ўқимши ҳам унутманг», деган бўлардик.

Баъзи хориж давлатларида айнан маънавият, маърифат етишма-ётгани сабабли турли нохуш воқеалар юз бераётганидан ҳам тегишли хулоса чиқарса бўлади. Улар кеч бўлса-да, тушуниб, Шарқ маънавия-ти, маърифатини ўрганишга интилишяпти. Айни замонда инсоният-нинг маънавиятга эҳтиёжи ҳар қачонгидан ҳам кучли. Дарвоқе, одам-зод фақат қорни тўқлиги, усти бўлган, моддий таъминоти билангина инсоний фазилатларга эришолмайди. Шунинг учун ҳам китоб, газе-та-журнал мутлаасига қайтишимиз зарур ва шарт...

Азизали ҲАМИДОВ,  
ўқитувчи

■ МУЛОҲАЗА

# ТИРИКЧИЛИК КЎЙИДАГИ БОЛАЛАР



— Амаки, рўмолча олинг, 10 минг сўм. Қизалоқнинг мўлтираб турган умидвор кўзларига боқа-ман. Беихтиёр норасидани саволларга тутта бошлайман.

— Ота-онанг борми? — Дадам йўқ, — дея у ясама ғамгин қиёфага киради. Бу ҳолати билан кўнглимда ўзига нисбатан раҳм-диллик туйғуларини уйғотмоқчи бўлади. Ёнимдаги дўстим эса унинг неча ёшлиги, нечанчи синфда ўқилини сўраб қолади.

Тўққиз ёшли қизалоқни, 2-синф ўқувчисини кў-чага етаклаб чиққан ташвиш нима? Чиндан ҳам отаси йўқми, онаси оғир хастами? Аксинча бўлса-чи? Бир-бирига қарама-қарши саволлар қаршисида қола-ман.

Афсуски, ўзини Диёра деб таништирган бу қизалоқ-нинг тенгқурлари атрофимизда кўплаб учрайди. Авваллари пойтахтда болаларнинг шу каби «тад-биркор»лигини кўп кузатар эдик. Тошкент катта шаҳар. У ерда ижарада яшовчи, аранг кун кўриб юрганлар топилади. Лекин эндиликда вилоят марказларида, ҳатто туман-шаҳарларда ҳам шундай ҳолатлар ку-затилаётгани таажжубланарли.

Бундан йигирма йиллар аввал чет элда ота-она ва бола ўртасидаги муносабатлар шарқона қадриятларимиздан буткул фарқ қилиши, ота-она-лар болаларини, миллионер бўлган тақдирда ҳам мод-дий таъминламаслиги, болалар кўча четларида автоу-

ловларни ювиб, баллонларини қорайтириб, пул ишлаши ҳақида гап-сўзлар оммалашиб кетган эди. Лекин бизда ҳам аҳён-аҳёнда кузатиладиган бундай ҳолатларга ғарбона тажриба си-фатида қарамаслик, ҳар бир бола тақдирини миллатнинг, ватан-нинг тақдирини сифатида ўйлаш вақти аллақачон этиб келди. Бу борада мамлакатимизда кенг қамровли ислохотлар ҳам олиб борилмоқда. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг манфа-атларини, орзу-умидларини қадрлаш, билим олиши, касб-ху-нарга қизиқишини рағбатлантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, оқ матога теккан биргина доғ ҳам кўзга ташланади. Шундай экан, биргина ноқобил фарзанднинг қилиғи миллат шаънига қора доғ бўлиб тушиши мумкин.

Халқимизда бир гап бор: «Ёш боланинг онги ёзилмаган ва-рақдек гап». Унга нима ёзиш эса атрофдагиларга боғлиқ. Бугун тирикчилик кўйидаги болалар кўчама-кўча тентираб, тамадди-хоналару истироҳат боғларида, гавжум йўлақларда т у -риб олиб, турли маҳсулотлар сотишига наҳот ота-оналар, кенг жамоатчилик бефарқ қараса? Эр-тага уларнинг ёвуз ниятли кимсалар учун тайёр ўлжа бўлиб қолмаслигига ким қафолат беради?

Мамлакатимизда фаолият юритаётган Бо-лалар оғибудсмани тегишли ташкилотлар би-лан ҳамкорликда кўчама-кўча тирикчилик ва-жида умрини ўтказаяётган ёш болаларнинг турмуш шароитини ўрганса, билим олиши, касб-хунарга ўрганиши йўлида жонбозлик кўр-сатса, нур устига нур бўлар эди.



Баҳодир ҲАЛИМОВ  
«ISHONCH»

Азиз газетхон!

Мароқли  
дам олинг!



Ҳожиакбар Ҳамидов ижросида

«КЕТМОҚДАМАН»

қўшиғи

Яхши қол, эй, дилбарим, дилда қадар, кетмоқдаман,  
Ишқ аро энди ҳолим зеру забар кетмоқдаман.

На ишончу, на қувончу, на кўнгиладан очма гап,  
Барчасидан ушбу кун йўқдир самар, кетмоқдаман.

Абдулла Орипов шеъри

MUASSIS:



2007-yil  
11-yanvarda  
O'zbekiston  
Matbuot va axborot  
agentligida 116-rangim  
bilan ra'yatga olingan.

«Ishonch» va  
«Ishonch-Doeeprie»  
gazetalari  
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV  
(tahrir hay'ati raisi),  
Ulug'bek JALMENOVI,  
Anvar ABDUMUXTOROV,  
Sayfulla AHMEDOV,  
Akmal SAIDOV,  
Ravshan BEDILOV,  
Qutlimurot SOBIROV,  
Suhrob RAFIQOV,  
Shoqosim SHOISLOMOV,  
Hamidulla PIRIMQULOV,  
Nodira G'OIYIBNAZAROVA,  
Anvar QULMURODOV

(Bosh muharrirning  
birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV  
(Mas'ul kotib — «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK  
(Mas'ul kotib — «Ishonch-Doeeprie»)

Bosh muharrir  
Husan ERMATOV

### Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti —  
(71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot —  
(71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy  
qadriyatlar va sport —  
(71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar  
bilan ishlash —  
(71) 256-85-43  
Marketing va obuna —  
(71) 256-87-73

### Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston  
Respublikasi —  
(+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati —  
(+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati —  
(+998-99) 889-90-31  
Navoiy viloyati —  
(+998-99) 500-05-12  
Jizzax viloyati —  
(+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati —  
(+998-99) 213-09-66  
Samarqand viloyati —  
(+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati —  
(+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati —  
(+998-99) 379-19-70  
Toshkent viloyati —  
(+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati —  
(+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati —  
(+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati —  
(+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan  
olingan ma'lumotlarda manba  
sifatida gazeta nomi  
ko'rsatilishi shart.  
Mualliflar fikri tahririyat  
nuqtai nazaridan  
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:  
S. Abdurahmonov

Musahhih:  
D. Xudoyberganova

Sahifalovchi:  
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti — 23:40  
Topshirildi — 00:10

### Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:  
100165, Toshkent shahri,  
Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba,  
payshanba va shanba  
kunlari chiqadi.  
Gazeta «Ishonch»ning  
kompyuter markazida  
teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

### Umumiy adadi 32 448 ta

Shundan:  
6 257 nusxasi  
«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasi — Toshkent shahri,  
Buyuk Turok ko'chasi,  
41-uyda;

18 276 nusxasi  
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi —  
Samarqand shahri, Spitamen  
ko'chasi, 270-uyda;

7 915 nusxasi  
«Poligraf-Press» MCHJ  
bosmaxonasi — Marg'ilon shahri,  
Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda  
chop etildi.

Gazetaning poligrafik  
jihatdan sifatli chop  
etilishiga bosmaxona mas'ul.

Gazetaning etkazib  
berilishi uchun obunani  
rasmiylashtirgan  
tashkilot javobgar.

Gazeta ofset usulida,  
A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
Bayritima G-411

1 2 3 4 5 6